**XALQ DEPUTATLARI BO'ZATOV TUMANI KENGASHI QARORI**

**XALÍQ DEPUTATLARÍ BOZATAW RAYONLÍQ KEŃESI SHESHIMI**

2022 - yil 18 - yanvar VI-41-2-13-216-K/22 Bo'zatov tuman hokimligi

**Бўзатов тумани 2022 йилда хизматларни ривожлантириш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида**

Хизматлар соҳасининг туманимиз иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича ўз ечимини кутаётган муаммоли масалаларни ҳал қилиш, мазкур йўналишда тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2021 йил 14 декабрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 22 декабрдаги қайд рақами 02-РА 1-20228-сон баён)да берилган топшириқларни вилоятда ижросини таъминлаш мақсадида, халқ депутатлари Бўзатов тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2021 йил 14 декабрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселекторда берилган топшириқлар ижро учун қабул қилинсин.

2. Бўзатов туманининг 2022 йилда хизматларни ривожлантириш Дастури (кейинги ўринларда – Дастур деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Д.Каипов) Дастурда назарда тутилган вазифаларни бажарилиши ҳолати юзасидан 2022 йил 1-ярим йиллиги якуни билан Халқ депутатлари туман Кенгашига ҳисобот берсин.

4. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Н.Дауенова), тумандаги хизматларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни жамоатчиликка етказиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Д.Каипов)га Дастур ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни мунтазам мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Каипов зиммасига юклансин.

**Халық депутатлары Бозатаў районлық Кеңеси баслығы** **М.Кайпанов**

Халқ депутатлари Бўзатов туман Кенгашининг
2022 йил 18 январдаги
VI-41-2-13-216-K/22-сон қарорига
1-илова

**Бўзатов тумани. 2022 йилда хизмат кўрсатиш ҳажми – 62,0 млрд сўм ўсиш суръати – 158,2 %, яратиладиган жами иш ўринлари сони – 800 та.** Шундан: манзилли рўйхати шакллантирилган умумий қиймати **16,0 млрд сўм** бўлган **41 та** лойиҳани амалга ошириш ҳисобига – **203 та** иш ўрни; бошқа йўналишларда – **597 та** иш ўрни.
*(аҳолиси **21,8 минг** киши, ишсизлар сони **868** нафар, ижтимоий реестрда турган оилалар **940 та**, маҳаллалар сони **5 та**,*
*оилалар сони **4 335 та**)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| Хизмат кўрсатиш йўналишида шакиллантирилган лойиҳалар жами қиймати **41 та** лойиҳа, **203 та** янги иш ўринлари яратиш. | 1. Манзилли рўйхатга мувофиқ лойиҳаларнинг **тармоқ жадвалларини** ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Декабрь | Туман ҳокимлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими, Тегишли тижорат банклар |
| | 2. **Кредитлар**нинг ўз вақтида ажратилишини таъминлаш. | Сентябрь-октябрь | |
| | 3. Лойиҳаларнинг ўз вақтида ишга туширилишини доимий **мониторинг** қилиш. | Июль-декабрь | |
| | 4. Ишга тушган лойиҳаларнинг қабул қилиш **далолатнома**ларини расмийлаштириш. | Декабрь | |
| Туман марказидан **2 та** енгил конструкцияли савдо дуконини ташкиллаштириш орқали **4 та** янги иш ўринларини яратиш. | Туманда аукцион савдолари орқали ер ажратиб лойиҳа қиймати **550 млн**.сўмлик **2 та** енгил конструкцияли канцелярия товарлари ва савдо дўконларини ташкиллаштириш орқали **4** та янги иш ўринларини ташкиллаштириш. | Январь-Декабрь | Туман ҳокимлиги, Солиқ инспекцияси, Кадастр бўлими, Тегишли тижорат банклари |
| Туманда аукцион савдолари орқали ер ажратиб савдо дуконлари ва овқатланиш шахобчаларини ташкиллаштириш атижасида **215 та** янги иш ўринларини яратиш. | Туманда аукцион савдолари орқали ер ажратиб савдо дуконларини ташкиллаштиришда **12,1 млрд**.сўмлик **54 та** лойиҳаларни ишга тушириш орқали **142 та** янги иш ўринларини яратиш. | Январь-Декабрь | Туман ҳокимлиги, солиқ инспекцияси, кадастр бўлими, Тегишли тижорат банклари |
| | Туманда аукцион савдолари орқали ер ажратиб овқатланиш ўринларини ташкиллаштиришда **6,6 млрд**.сўмлик **23 та** лойиҳаларни ишга тушириш орқали **73 та** янги иш ўринларини яратиш. | | |
| Тумандаги 4р-178 Давлат аҳамиятидаги йўл бўйида овқатланиш ўрни ва савдо дуконларини ташкиллаштириш орқали **13 та** янги иш ўринларини яратиш. | Тумандаги 4р-178 Давлат аҳамиятидаги йўл бўйида овқатланиш ўрни ва савдо дуконларини ташкиллаштиришда лойиҳа қиймати **1,1 млрд**.сўмлик **4 та** лойиҳани ишга тушириш орқали **13 та** янги иш ўринларини яратиш. | Январь-Декабрь | Туман ҳокимлиги, Солиқ инспекцияси, Кадастр бўлими, Тегишли тижорат банклари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Норасмий фаолият юритаётган хизмат кўрсатувчи субъектларни легаллаштириш, ўзини-ўзи банд қилганларни кўпайтириш орқали **179 та** иш ўрни яратиш. | 1. Туманда хатлов натижасида аниқланган **27** та норасмий фаолият юритаётган субъектлар фаолиятини уларга кўмак кўрсатиш орқали легаллаштириш орқали **27** та иш ўрни яратиш. | Январь-Сентябрь | Туман ҳокимлиги, Солиқ инспекцияси, Бандликга кўмаклашиш маркази, Тижорат банклари |
| | 2. Маҳаллаларда норасмий фаолият юритаётган (косиблар, хуна рмандлар, усталар) **142** та фуқароларни ўзини-ўзи банд қилишга ўтказиш орқали **142** та иш ўринлари яратиш. | Январ-Декабрь | |
| | 3. 2020-2021 йилларда "Ҳар бир оила тадбиркор" дастури доирасида хизмат кўрсатиш соҳасига ажратилган имтиёзли кредит олиб рўйхатдан ўтмай фаолият юритаётган **10 та** субъектларни рўйхатдан ўтказиш орқали **10 та** иш ўрни яратиш. | Январь-Ноябрь | |
| Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ажратиладиган кредит маблағлари ҳисобига **40 та** иш ўринлари яратиш. | Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида **40** та лойиҳаларни амалга ошириш ва **40** нафар фуқароларнинг бандлигини таъминлаш. | Январь-ноябрь | Туман ҳокимлиги, Ҳоким ёрдамчилари, Тижорат банклари |
| Янги турдаги замонавий хизмат турларини ташкил этиш орқали **4 та** иш ўринларини яратиш | 1. Туман марказида IT, аутсорсинг ва онлайн (масофавий) бухгалтерия хизматларини кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш. | Май | Туман ҳокимлиги |
| Ветеринария хизматини ташкил этиш орқали **7 та** янги иш ўринларини ташкил этиш | 1. Туман марказидан ветиренария хизматларини (дори-дармонларини сотиш, чарво молларини эмлаш, санчиш, сўнъий уруғлантириш) ташкил этиш орқали **7 та** янги иш ўринларини ташкил этиш. | Апрель | Туман ҳокимлиги |
| Бўш турган биноларда хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ҳисобига **6 та** янги иш ўрни яратиш | 1. Туманда бўш турган **2 та** бинода хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ҳисобига **6 та** иш ўрни яратиш.<br>- 2 та умумий овқатланиш шаҳобчаси ташкил этиш орқали. | Март-Апрель | Туман ҳокимлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими, Тижорат банклари, Лойиҳа ташаббускорлари |
| Маҳаллаларда эхтиёж мавжуд бўлган хизмат кўрсатиш турларини ташкил этиш орқали **77 та** иш ўринлари яратиш. | 1. Хатлов асосида аниқланган **5 та** маҳалладаги **20 та** хизмат турлари бўйича жами **77 та** иш ўрни яратиш: | Январь-март | Туман ҳокимлиги, Ҳоким ёрдамчилари, тижорат банклари |
| | - лойиҳаларни жойлаштириш учун маҳаллалардаги бўш ер майдонлари ва бўш биноларни аниқлаш; | Январь | Туман ҳокимлиги, Кадастрлар палатаси, Ҳоким ёрдамчилари, |
| | - аниқланган ер майдонлари ва бўш биноларни аукцион савдоларига чиқариш, ижарага беришни ташкил этиш. | Февраль | |
| | - маҳаллалардаги зарур хизмат турларини енгил конструкцияли шаҳобчалар ва фудтраклар ташкил этиш орқали йўлга қўйиш | Февраль-март | |
| | - лойиҳа ташаббускорлари билан лойиҳаларни амалга оширишни таъминлаш. | Март | Туман ҳокимлиги, Ҳоким ёрдамчилари, тижорат банклари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича **52** нафар фуқароларни касбга ўқитиш | Хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича фуқароларга билм ва кўникмалар бериш бўйича **52** нафар фуқаорларни касбга уқитиш:<br>- тикувчилик 9 нафар;<br>- миллий таомлар ва пишириқ 6 нафар;<br>- дурадгор 3 нафар;<br>- пайвандчи 5 нафар;<br>- электрик 3 нафар;<br>- сартарош 5 нафар;<br>- тиббиёт 2 нафар;<br>- бошқа йўналишлар 19 нафар. | Январь-декабрь | Туман Бандликка кўмаклашиш маркази, Ҳоким ёрдамчилари |